



{Сўнгра ўша кунда, албатта, берилган неъматлардан сўраласизлар}

Зубайр ибн Аввом разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: {Сўнгра ўша кунда, албатта, берилган неъматлардан сўраласизлар}, ояти тушган вақтда, Зубайр разияллоҳу анҳу: «Ё Расулуллоҳ, еганимиз хурмо ва сув бўлса, қайси неъмат ҳақида сўраламиз?», – деди. Шунда «У, албатта бўлажак», дедилар.

[Ҳасан] [Термизий ва Ибн Можа ривояти]

. {Сўнгра ўша кунда, албатта, берилган неъматлардан сўраласизлар}, яъни: Аллоҳ таоло сизларга берган неъматларнинг шукрини адо қилганинглар ҳақида сўраласизлар, ояти тушган вақтда Зубайр ибн Аввом разияллоҳу анҳу: «Ё Расулуллоҳ, қайси неъмат ҳақида сўраламиз?! Улар бор йўғи сув ва хурмо бўлса, сўрашга мухтож эмас»– дедилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Шу ҳолатда бўлсанглар ҳам неъматлар ҳақида сўраласизлар. Уларнинг иккиси ҳам Аллоҳ таолонинг улуф неъматларидир дедилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65075>

